

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АМАНТУРДИЕВ ШАВКАТ БАЛКИБАЕВИЧ

**ХИТОЗАН ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДАГИ
НАНОПРЕПАРАТЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ЭКИНЛАРИНИНГ МОРФОФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА
УРУҒЛАРНИНГ ЭКИШ СИФАТЛАРИГА ТАЪСИРИ
(ҒЎЗА, БУҒДОЙ, СОЯ)**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)
on agricultural sciences**

Амантурдиев Шавкат Балкибаевич

Хитозан ва унинг ҳосилалари асосидаги нанопрепаратларнинг қишлоқ хўжалиги экинларининг морфофизиологик кўрсаткичлари ва уруғларнинг экиш сифатларига таъсири (ғўза, буғдой, соя)..... 3

Амантурдиев Шавкат Балкибаевич

Действие нанопрепаратов на основе хитозана и его производных, на морфофизиологические показатели и посевные качества семян сельскохозяйственных культур (хлопчатник, пшеница, соя)..... 27

Amanturdiyev Shavkat Balkibayevich

Action of nanopreparations based on chitosan and its derivatives on morphophysiological indicators and sowing qualities of seeds of agricultural crops (cotton, wheat, soybean)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АМАНТУРДИЕВ ШАВКАТ БАЛКИБАЕВИЧ

**ХИТОЗАН ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДАГИ
НАНОПРЕПАРАТЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ЭКИНЛАРИНИНГ МОРФОФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА
УРУҒЛАРНИНГ ЭКИШ СИФАТЛАРИГА ТАЪСИРИ
(ҒЎЗА, БУҒДОЙ, СОЯ)**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1. DSc/Qx111 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (rahta@uz@mail.ru) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Рашидова Сайёра Шарафовна,
кимё фанлари доктори, академик.

Рашидова Дилбар Каримовна,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

Расмий оппонентлар:

Рахмонқулов Саид-Акбар
биология фанлари доктори, профессор.

Давронов Қодиржон Сотволдиевич,
биология фанлари доктори, профессор.

Бабоев Саидмурод Кимсанбаевич,
биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

**Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот
институтини**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 рақамли илмий кенгаши асосида фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «14» октябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78, факс (+99871) 150-61-37, E-mail: rahta@uz@mail.ru. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти кутубхонасида танишиш мумкин (1286 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти кутубхонаси. Тел: (+99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» сентябрь кuni тарқатилди.

(2021 йил « _____ » даги _____ рақамли реестр баённомаси.)



(Handwritten signatures of A. Z. Ravshanov and A. E. Kurbonov)

А.Э.Равшанов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., к.и.х.

А.Ё.Курбонов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., к.и.х.

С.Рахманкулов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

(Large handwritten signature of S. Rahmonkulov)

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган нанотехнологияларнинг жорий этилиши бутун дунёда кенг тарқалган. «Сўнгги 10 йилда дунё бўйлаб хитозан ишлаб чиқариш 3000 тоннадан ошди. Хитозан ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Италия ва Россия етакчи давлатлар ҳисобланади. Хитозаннинг 15% дан ортиғи дунё миқёсида PRIMEX фирмаси томонидан ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилган хитозаннинг 25 фоизи япония давлати орқали сотилади. Хитозан дунёнинг 15 та мамлакатларида ишлаб чиқарилади, саноатнинг 80 та тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқаларда фойдаланилади»¹. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда нанотехнологияларнинг таъсирига йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини чуқурроқ ўрганиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Вьетнам, Германия, Россия ва Ўзбекистон олимлари қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун нанополимер препаратларни қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг экиш сифати, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Наноматериалларнинг уруғларга, ўсимликларга ва улардан олинадиган маҳсулотларга, ўсимликларда метаболик жараёнларга таъсири бўйича олиб борилаётган изланишлар, шунингдек ушбу маълумотларни олиш учун усулларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида наноматериалларнинг ноёб ва ажойиб хусусиятлари туфайли аграр соҳани такомиллаштириш бўйича нанотехнология ва наноматериаллардан фойдаланган ҳолда ишлар олиб борилмоқда. Турли хил ўсимликлар устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нанозаррачаларнинг катталиги, концентрацияси, кимёвий таркиби, турғунлиги ва шаклларига қараб ўсимликларга ҳам ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Наноматериаллар атроф-муҳитни тиклаш учун кенг қўлланилмоқда, шу туфайли синергизм асосида металл ва металлоидлар билан ифлосланган тупроқни тиклаш самарадорлигини янада ошириш мумкин. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»² кўзланган вазифалардан биридир. Ушбу вазифадан

¹ <http://nano-info.ru/post/1844>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

келиб чиқиб, республикада хитозан ва унинг ҳосилалари асосида ипак курти ғумбагидан олинган маҳаллий нанополимер препаратларни ўрганиш, нанозаррачаларнинг биологик, шунингдек уларнинг ўсимликларга фойдали ва зарарли таъсирларини аниқлаш муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683-сон «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2009 йил 11 мартдаги ПҚ-1071-сон «Кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқишни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 августдаги 328-сон «Ўзбекистон Республикасининг уруғчилик соҳасидаги давлат сиёсати тўғрисида»ги Қарори шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экишдан олдин ишлов беришда нанопрепаратларни қўллаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Буларга қуйидагилар киради: Scool of Biosciences, Mahatma Gandhi University Kerala (Ҳиндистон), Departament of Molecular Biology and Biotechnology, Rajasthan College of Agriculture (Ҳиндистон), University medical of Mainz, Langenbeckstasse (Германия), Institute of biotechnology, Tanta University (Миср), Institute of Environmental Technology Vietnam Academy of Science and Technology (Вьетнам), Vietnam Agrotechnological University Institute of Biotechnology, Vietnam Academy of Science and Technology (Вьетнам), The Connecticut Agricultural Experiment Station (АҚШ), Stockbridge School of Agriculture, University of Massachusetts Amherst (АҚШ), University of Chinese Academy of Sciences (Хитой), The Hong Kong Polytechnic University (Хитой), Institute of Life Sciences, University of Agricultural Sciences and Veterinary Medicine (Руминия), Институт физиологии растений Российской академии наук, Всероссийский институт защиты растений (Россия), ЎЗР ФА Полимерлар кимё ва физикаси институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий -тадқиқот институти (Ўзбекистон).

Уруғларни биологик фаол бирикмалар билан ишлов бериш бўйича дунёда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилди. Хитозан ва унинг ҳосилалари асосидаги препаратлар

Ўсимликларга касаллик ва зараркунандаларга юқори чидамлилиқ бериши аниқланди. Ҳосилдорликни оширишга ёрдам берадиган табиий иммуномодуляцион хусусиятлари аниқланди (University of California, University of Arizona, New Mexico State University, USDA Shafter Cotton Research Station); хитозан ва унинг ҳосилаларида фунгицид ва айниқса бактерицид хусусиятлари, ҳамда ўсимликларнинг ўсишида стимуляторлик имкониятига эга эканлиги аниқланди (Indian Institute of Agricultural Science). Пахтачиликда хитозан ва унинг ҳосилалари асосидаги препаратларни қўллаш сўрувчи ҳашаротларнинг зарарини камайтиришни, ҳосилдорлиги ва пахта хом ашёси сифатини ошишини таъминлайди (Chinses Academy of Agricultural Science); қисқичбақасимонлардан олинган хитозан ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш маҳсулоти сифатида фойдаланиш учун ноёб биополимер ҳисобланади (Tanta University); табиий хом ашёдан олинган паст молекуляр оғирликдаги хитозан асосида “Агростимул” препарати ишлаб чиқилган ва олинган, шунга ўхшаш ишлар Россия Фанлар академиясининг Ўсимликлар физиологияси институти ва Бутунроссия ўсимликларни ҳимоя қилиш институтида (Россия) амалга оширилди. ЎЗР ФА Кимё ва физика полимерлар институтида табиий ипак ишлаб чиқариш чиқиндилари ипак курти гумбакларидан хитин ва хитозан олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Дунё миқёсида бугунги кунда хитозан асосидаги полимер материаллар қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун қўлланилади. Бир қатор устувор соҳалардаги объектлар сифатида хитозан ва унинг ҳосилаларини қўллаш бўйича уруғларни капсулалаш технологиясини татбиқ этиш учун полимер композициялар асосидан фойдаланиладиган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Биологик фаол полимерлар уруғларнинг наводорлик ва экиш сифатларини сақлашга, физиологик жараёнларни фаоллаштиришда, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ҳисса қўшади ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун технологиялар ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий етакчи илмий марказлар олимлари уруғларни ҳар хил нанопрепаратлар билан экишдан олдин ишлов беришни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Уларни уруғларнинг униб чиқиши ва қишлоқ хўжалиги экинлари ўсимликларининг ривожланишига Н. Duan, В. Wang, Z. Huang, Li. С, Zhao Z., S.Ilk, N. Saglam, M. Ozgen, F.Korkusuz, ҳамда УДК металлари S. D. Polishchuk, A.A. Nazarova, M.V. Kutskir, D.G.Churilov, Y.N. Ivanycheva, V. A. Kiryshin, G.I.Churilov ва металлларнинг нанозаррачалари таъсири Thi Hao Chu, Thi Thuy Nguyen, Hien Dao Trong, Quoc Buu Ngo, Yaoyao Wang, Fuping Jianga, Chuanxin Mab, Yukui Ruia, C.W. Daniel, Tsangd, Baoshan Xingc, Anshu Rastogi, Marek Zivcak, Oksana Sytar, Hazem M. Kalaji, Xiaolan He, Sonia Mbarki., Marian Brestic ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Уруғларни экишдан олдин кимёвий моддалар ва полимер бирикмаларни қўллаш орқали уларнинг ўсишини тезлаштириш муаммолари билан М.Д.Мукатова, К.Е.Овчаров, С.Ш.Рашидова, В.Ракитин, Ш.И.Ибрагимов, Р.С.Исаев, Х.Р.Рахимов, Ш.Б.Байрамбекова, Р.С.Назаров, Қ.С. Давронов, Д.К.Рашидова, Ш.Х.Абдуалимов ва бошқалар шуғулланишган, қайсики ўзларининг тадқиқотлари билан бундай бирикмалар таъсири остида ўсимликларнинг ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлилигини, уларнинг эрта ривожланишини, ҳосилдорликни ва пахта хом ашёси сифатини оширишга ёрдам беришини исботлаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимё ва физикаси институти “Истикболли полимерлар синтези” лабораториясида академик С.Ш.Рашидова ва унинг шогирдлари бошчилигида *Bombux mori* хитозани асосида полимер металлокомплекс мис ва кумуш ионлари билан НаноХЗ, НаноАХЗ ва бошқа нанополимер препаратлар олинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари дастуридаги № КФХ-5-026 «Нанополимер тизмалари таъсири остида ғўза уруғлари ва ўсимликларининг ривожланиш физиологияси қонуниятларини аниқлаш» (2012-2016 йй.), № КХА-9-047 «Уруғлик чигитларни капсулалаш учун янги биополимер композициялардан фойдаланишни ривожлантириш» (2015-2017 йй.), № МВ-КХ-А-КХ-2018-152 «Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида экологик соф полимер нанопрепаратларни қўллаш (ғўза, буғдой, соя)» (2018-2020 йй.) фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хитозан ва унинг ҳосилалари асосидаги биологик фаол нанополимер комплексларини қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг морфофизиологик экиш сифати кўрсаткичлари, ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатини оширишдаги аҳамиятини аниқлаш ҳамда метал атом/ионларининг ферментлар реакциясига таъсир этиш механизминини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлари бўйича ПМК нанопрепаратларининг қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари сифатига, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

хитозан ва унинг ҳосилалари асосида ўрганилаётган нанопрепаратларнинг лаборатория ва дала шароитларида турли қишлоқ хўжалиги экинларига (ғўза, буғдой, соя) таъсирини баҳолаш ва зарарланиш фоизини аниқлаш;

ғўза, буғдой ва соя уруғларини таркибида мис ва кумуш ионлар бўлган нанополимер препаратлар билан экишдан олдин ишлов беришда ферментларнинг оксидланиш-қайтарилиш реакцияси фаоллигини аниқлаш;

ўсимликларнинг морфологияси ва ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда етиштирилган маҳсулотларнинг қимматли хўжалик сифат кўрсаткичларига нанополимерларнинг таъсирини аниқлаш;

ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларига мис ионларидан фойдаланишда уруғларни капсулалаш модели таъсири муаммоларини аниқлаш;

ўсимликларнинг вегетация даврида ўрганилаётган нанопрепаратларнинг мақбул меъёрлари, нанополимерларнинг таъсир этиш механизмини аниқлаш;

ғўза уруғларини етиштиришда навдорлик ва экиш сифатларига нанопрепаратларнинг таъсирини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти хитозан ва унинг ҳосилалари асосида ўрганилаётган ПМКCu²⁺:Ag 5:5, ПМКCu²⁺:Ag 6:4, ПМКCu²⁺:Ag 7:3, ПМКCu²⁺:Ag 8:2, ПМКCu²⁺:Ag 9:1, Хитозан бошланғич 0,5%, НаноХЗ 0,5% (90 кда), Аскорбатхитазан, НаноАХЗ 0,5% (4:1), Кумрумхит 0,5%, Сукцинат 0,5% полимер ва нанополимер препаратлари ҳамда андоза УЗХИТАН, Далтебу, Гаучо, Максим, Витавакс, П-4 ва Далброн препаратлари билан ишлов берилган, Ўзбекистон Республикасида экиш учун тавсия этилган навларининг Давлат реестрига киритилган ғўзанинг С-6524, Ан-Боёвут-2, Андижон-36 навлари, буғдойнинг Краснодар-99, Гром, Дўстлик, Оқсув, Бардош, Пахлавон, Эъзоз, Тезпишар, Истиклол-6, Семуруғ навлари, соянинг Орзу, Барака, Селекта-302 навлари уруғларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ўрганилаётган полимер нанопрепаратларнинг уруғларга ишлов бериш самарадорлиги, уларнинг ғўза, буғдой ва соя уруғи ва ўсимликларининг ривожланишига таъсирини баҳолашдан (ферментлар фаоллиги, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги ва бошқалар) иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда микро-макро элементларни аниқлаш учун оптик эмиссия спектроскопияси ва индуктив боғланган плазма масс-спектрометрияси усуллари қўлланилиб, АҚШнинг ОЭС ва ИСП Optima 2400 DV ускунасида амалга оширилди, баъзи метаболик жараёнларнинг интенсивлиги ва ферментларнинг фаоллиги "Ўсимликлар биокимёси бўйича амалиёт"да келтирилган усул билан аниқланган бўлиб, тадқиқотлар жараёнида олинган натижалар Б.А.Доспехов бўйича ва ҳосилдорлик компонентлари тахлили Stat View (www. Statview.com, SAS Institute Inc) дастурларидан фойдаланилган, дисперсион таҳлиллар (ANOVA, Analysis of variance) даражаси P<0.05, P<0.01да аниқланган ҳамда дала тажрибалари ЎзПИТИда умумқабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2014) услуби бўйича олиб борилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг сифатига, ўсиш ва ривожланишига полимерметаллокомплекс (ПМК) нанопрепаратларининг таъсири физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлар бўйича аниқланган;

таркибида мис ва кумуш ионлари бўлган нанополимер препаратлар билан ғўза, буғдой ва соя экинлари уруғларига ишлов бериш натижасида ферментларнинг фаоллиги 2 баробар ошиши ҳамда ниҳолларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнлари тезлашиши исботланган;

қишлоқ хўжалик экинларининг морфологияси, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва етиштирилган маҳсулотларнинг сифатига нанополимер препаратларнинг ижобий таъсири аниқланган;

моделлаштириш орқали мис ва кумуш ионлари мавжуд бўлган нанопрепаратлар билан уруғларни капсулалаш ўсимликларнинг ўсиш ҳамда ривожланиш кўрсаткичларини ошишига таъсири исботланган;

илк маротаба ғўза, буғдой ва соя уруғларига ишлов беришда ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишига нанопрепаратларнинг таъсир этиш механизми ўрганилган;

ғўза уруғларини етиштиришда навдорлик ва экиш сифатларига нанопрепаратларнинг салбий таъсир этмаслиги исботланган;

уруғларни капсулалаш технологиясини қўллаш учун таркибида метал нанозаррачалари бўлган хитозан ва унинг ҳосилалари асосидаги ПМКдан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўзада ПМКCu²⁺: Ag 7: 3, ПМКCu²⁺: Ag 8: 2, буғдой ва сояда НаноХЗ ва НаноАХЗ 0,5% (4:1) нанопрепаратлари билан уруғларни экишдан олдин ишлов бериш ҳосилдорлигини 8-10% га ошишига имкон бериши аниқланган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тавсия этилган;

соя уруғларини экишдан олдин Наноаскорбатхитозан варианты билан ишлов берилганда, дала шароитида фузариоз вилт касаллигига нисбатан бардошли эканлиги, яъни барглари 5%, илдизлари 0% зарарланганлиги ҳамда ушбу препарат стимуляторлик ва фунгицидлик хусусиятларига эга эканлиги аниқланган ва тавсия қилинган;

Андижон ва Жиззах вилоятлари фермер хўжаликларида ғўзанинг Андижон-36, Ан-Баяут-2 ва С-6524, буғдойнинг Краснодар-99, Оқсув, Дўстлик, соянинг Барака, Селекта-302 навлари уруғларини нанополимер препаратлари билан ишлов бериш орқали экиш натижасида ушбу фермер хўжаликларида умумий ҳисобда 896375 минг (саккиз юз тўқсон олти миллион уч юз етмиш беш минг) сўм қўшимча даромад олиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишларни замонавий усул ва воситаларга мос равишда олиб борилганлиги, уларни услубий жиҳатдан тўғри қўйилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг

мувофиқлиги, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази мутахассислари томонидан апробация ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги, илмий ва амалий натижалар олинishi, илмий тадқиқот ишлари натижаларини чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиши, тадқиқот натижаларини ҳорижий ва маҳаллий аналоглари билан таққосланганлиги, қонуният ва хулосаларнинг асосланганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хитозан ва унинг ҳосилалари асосида экологик соф хавфсиз биологик фаол нанополимер препаратларни ўрганиш орқали уруғларни капсулалаш технологияси бўйича уруғларга ишлов бериш самарадорлиги аниқлаш билан тасдиқланган, лаборатория, шунингдек дала ва ишлаб чиқариш шароитларидаги тажрибаларда ўз тасдиқини топган. НаноАХЗ 0,5% (4:1), ПМКCu²⁺: Ag 7:3, ПМКCu²⁺: Ag 8:2 юқори биологик фаолликка эгаллигини кўрсатган, бу ниҳолларнинг бошланғич босқичида ер устки ва остки қисмларининг узунлигини оширишга имкон берган, уруғлари нанополимер препаратлар билан ишлов берилган ўсимликларда мавжуд микро ва макро элементларнинг концентрациясини бир текис тақсимланиш имкониятини берган ҳамда уруғларни капсулалаш модели таъсири натижалари ўсимликларнинг барча ўсиш кўрсаткичларини экспериментал максимал яхшиланиши мис ионлари учун аниқланганлигини билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ғўза, буғдой ва соя уруғликларини тайёрлашда нанополимер препаратлар билан уруғларни капсулалаш технологияси орқали ҳосилдорликни ошириш учун республика фермер хўжаликларида фойдаланиш тавсия этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нанополимер препаратларининг ғўза, буғдой ва соя экинларининг капсулаланган уруғларига таъсирининг самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган натижалари асосида:

ғўзанинг Андижон-36 нави уруғлари ПМКCu²⁺Ag 7:3, ПМКCu²⁺Ag 8:2, буғдойнинг Оксув ва соянинг Барака ва Селекта-302 навлари уруғлари НаноАХЗ, НаноХЗ нанопрепаратлари билан капсулалаш усули Андижон вилояти Қўрғонтепа туманининг “Оксув” фермер хўжалигида 164 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 02/020 -3204-сон маълумотномаси). Натижада ғўзадан қўшимча 4,7-5,0 ц/га (28,8 тонна), буғдойдан 12-15 ц/га (111,8 тонна), соядан 5-6,1 ц/га (9,9 тонна) ҳосил олиш имконини берган;

ғўзанинг Андижон-36, буғдойнинг Краснодар-99, соянинг Барака ва Селекта-302 навлари уруғлари ПМКCu²⁺Ag 7:3, ПМКCu²⁺Ag 8:2, НаноАХЗ, НаноХЗ билан ишлов берилиб, Андижон вилояти Избоскан туманининг

«Избоскан юксалиш неъмат» ва «Мойгир Юсуфхон» фермер хўжаликларида 135 гектар майдонга жорий қилинган ва бу назоратга нисбатан 8-10% га ҳосилдорликни оширишга имкон берган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 02/020 -3204-сон маълумотномаси). Натижада жами ғўзадан 37,45 тонна пахта хомашёси, буғдойдан 46,8 тонна ва соядан 2 тонна қўшимча дон маҳсулотлари олишга эришилган;

ғўзанинг С-6524 ва Ан-Боёвут-2 навларининг уруғларини капсулалаш учун ПМКCu²⁺Ag 7:3, ПМКCu²⁺Ag 8:2 нанополимер препаратларидан фойдаланилиб 80 гектар майдонга, буғдойнинг Дўстлик нави уруғлари НаноАХЗ, НаноХЗ препаратлари билан ишлов берилиб 56 гектар майдонга «Жавлонбек» фермер хўжалигида ва соянинг Селекта-302 нави уруғлари НаноАХЗ нанопрепарати билан ишлов берилиб Жиззах вилояти Пахтакор туманининг «Дурдона» фермер хўжалигида эса 10 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 02/020-3204-сон маълумотномаси). Натижада ушбу экинларнинг ҳосилдорлигини 8-10% га оширишга имкон берган ва пахта хом-ашёси бўйича 4 ц/га ёки 32 тонна, буғдой бўйича 8 ц/га ёки 44,8 тонна ва соя бўйича 5 тонна қўшимча ҳосил олинган;

ғўзанинг Ан-Боёвут-2 нави уруғлари ПМКCu²⁺Ag 7:3 ва буғдойнинг Гром нави уруғлари НаноАХЗ ва НаноХЗ нанополимер препаратлари билан ишлов берилиб, Жиззах вилояти Зафаробод туманининг «Тоштемир ота» фермер хўжалигида мос равишда 45 ва 55 гектар экин майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 02/020-3204-сон маълумотномаси). Натижада пахта хомашёсидан 18 тонна (31,2 ц/га) ва ғалладан 41,25 тонна дон (61 ц/га) қўшимча ҳосил олиш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, шу жумладан 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган. “Ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи Аскарботхитозанни *Vombux mogi* олиш усули” патентини олишга талабнома расмийлаштирилган (IAP 2020 0370).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Дунёда қишлоқ хўжалигига нанотехнологияларни жорий этиш кенг тарқалганлиги таъкидланган. Турли давлатларда ҳосилдорликни оширишда нанополимер препаратларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳозирда долзарб вазифа ҳисобланади ва келажак замон талабларига жавоб беради.

Шунингдек, амалга оширилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотлардан олинган натижаларнинг илмий ва амалий янгилиги асослаб берилган ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг қисқача ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Уруғларга экишдан олдин ишлов беришда нанопрепаратлардан фойдаланиш»** деб номланган биринчи бобда нанотехнологияларни қўллаш бўйича тадқиқотларнинг ривожланиш тарихи ҳақида адабиёт манбалари таҳлили келтирилган. Нанополимер препаратлар ва УДК лардан уруғларга экиш олдиндан ишлов беришда фойдаланиш бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқот натижалари батафсил таҳлил қилинган, шунингдек уруғларга экиш олдиндан ишлов бериш нанотехнологияси ўрганилаётган ўсимликларни аксарият белгиларига, жумладан ниҳолларни узунлиги, уларни нам ва қуруқ вазнлари, касаллик кўзғатувчи ва зараркунандаларга чидамлилиги, шунингдек ҳосил структура кўрсаткичларига ва ҳосилдорликка сезиларли таъсир этиши келтирилган. Нанотехнологияларни қишлоқ хўжалигида қўллаш тадқиқотлари асосида, нанопрепаратлардан фойдаланиш ҳосилдорликни оширишни таъминлаши ва деярли барча озиқ-овқат (картошка, донли, сабзавот, ризавор-мева) ва техник (ғўза, каноп) экинларни ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлилигини ошириши аниқланган. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг морфофизиологик кўрсаткичлари ва экиш сифатларига нанопрепаратлар таъсирининг долзарблиги тўғрисида хулоса қилинган, бу эса ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифати хавфсизлигини оширишни таъминлайди, экиладиган материал сифатини оширади, ўсимликларнинг касалланишини камайтиради, зараркунандаларга чидамлилиги ва ҳосилдорлигини оширади.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларни ўтказиш жойи, шароити, материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобда тажрибалар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, бошланғич материал ва тадқиқот услублари ёритилган. ЎЗР ФА ПКФИ ИПС лабараториясида академик С.Ш.Рашидова раҳбарлигида кўп йиллар давомида ипак матосини ишлаб чиқариш қолдиғидан ажратиладиган *Bombux mori* тут ипак қурти ғумбагидан олинадиган нанополимер хитин ва хитозанларнинг физик-

кимёвий, биологик фаол, шунингдек тиббий-биологик хусусиятлари бўйича систематик тадқиқотлар олиб борилаётганлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Биологик фаол нанополимер препаратларнинг уруғларнинг унувчанлигига, қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатига таъсири**» деб номланган учинчи бобда лаборатория шароитида нанополимер препаратларнинг ПМКCu²⁺:Ag 5:5, ПМКCu²⁺:Ag 6:4, ПМКCu²⁺:Ag 7:3, ПМКCu²⁺:Ag 8:2, ПМКCu²⁺:Ag 9:1, Хитозан бошланғич 0,5%, НаноХЗ 0,5% (90 кда), НаноАХЗ 0,5% (4:1), андозалар УЗХИТАН, Далброн ва ишлов берилмаган уруғлар (назорат) дан фойдаланиб ғўза, буғдой ва соя уруғларининг ўсиш қуввати ва унувчанлигига таъсири ўрганилган. Олинган маълумотларга кўра ПМКCu²⁺:Ag 7:3, ПМКCu²⁺:Ag 8:2, Хитозан бошланғич, НаноХЗ, НаноАХЗ препаратлари кейинги синовлар учун қолдирилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг лаборатория унувчанлигига ҳар хил нанополимер препаратларнинг таъсири таҳлил қилиниб, НаноХЗ, НаноАХЗ ва ПМКCu²⁺: Ag 8:2 нанополимер препаратларининг ғўза, буғдой ва соя уруғлари лаборатория унувчанлигини ошишига ижобий таъсир этиши аниқланган ва уларни уруғларга ишлов бериш (капсулалаш усули) учун тавсия этилган.

Диссертациянинг «**Ғўза, буғдой, соя ўсимликларининг илдиз ва ниҳол узунлигига лаборатория шароитида нанопрепаратларнинг таъсирини аниқлаш**» бўлимида ғўзанинг Андижон-36 нави ниҳоллари узунлиги НаноАХЗ препарати билан уруғларга ишлов берилганда ер устки қисми назоратдан 28,3% га ошган, ПМКCu²⁺:Ag 8:2 препарати билан эса 19,7% га, энг паст кўрсаткич уруғлари Хитозан препарати билан ишлов берилганда намоён бўлиб, у назоратдан 4,7% га юқори бўлган. Ер остки қисми бўйича назоратдан мос равишда 23,5%, 24,7% ва 8,2% га узунлиги аниқланган (1-жадвал).

Уруғларига НаноАХЗ билан ишлов берилган С-6524 навида ниҳолларнинг ер устки қисми назоратга нисбатан 32,1% га, ПМКCu²⁺:Ag 7:3 препарати билан ишлов берилганда 19,4% га, ер остки қисми бўйича эса тегишли равишда 18,0% ва 17,2% га ошганлиги кузатилган.

Краснодар-99 буғдой нави ниҳолларининг узунлигини таҳлили уруғлари НаноАХЗ нанопрепарати билан ишлов берилганда ер устки қисми бўйича 62,9 мм, ер остки қисми 151,4 мм бўлиб, назоратдан 32,1% ва 8,0% га юқори бўлганлигини кўрсатди.

Нанопрепаратларни ниҳолларнинг узунлигига таъсир этиш механизмини ўрганиш мақсадида ғўзанинг Андижон-36 нави ва буғдойнинг Краснодар-99 нави ниҳоллари 3-5-7-9-10 кунларда ўлчанган, соянинг Барака навида эса 5-7-8-9-10 кунларда аниқланган ниҳоллар узунлиги бўйича маълумотларда келтирилган.


1-жадвал

Ѓўзанинг “Анджон-36” нави илдиз ва ниҳоллари узунлигига наноплимер препаратларнинг ўзаро таъсири 3-10 кунда, 2018-2020 йй (ўрғача маълумотлар)

№	Вариантлар	3-кун		5- кун		7- кун		9- кун		10- кун	
		Ер устки қисми, мм	Ер остки қисми, мм	Ер устки қисми, мм	Ер остки қисми, мм	Ер устки қисми, мм	Ер остки қисми, мм	Ер устки қисми, мм	Ер остки қисми, мм	Ер устки қисми, мм	Ер остки қисми, мм
1.	Назорат	1,4±0,06	3,0±0,05	14,6±0,11	39,4±0,25	31,7±0,22	76,8±0,21	40,6±0,30	90,2±0,51	49,7±0,32	101,5±0,31
2.	Далброн (эталон)	1,5±0,04	3,1±0,05	15,1±0,09	42,1±0,37	32,1±0,25	77,2±0,29	42,3±0,31	91,9±0,37	50,3±0,31	103,7±0,35
3.	УЗХИТАН (эталон)	1,7±0,05	3,4±0,04	14,8±0,12	42,8±0,29	31,9±0,33	78,4±0,19	43,4±0,25	94,2±0,39	54,1±0,32	105,2±0,38
4.	Купрумхит	1,6±0,04	3,3±0,03	15,7±0,13	42,8±0,36	32,3±0,19	78,7±0,23	43,0±0,21	96,7±0,38	55,6±0,39	106,0±0,42
5.	ПМКCu ²⁺ : Ag 7:3	1,6±0,05	3,5±0,04	16,1±0,09	43,2±0,33	33,1±0,23	79,8±0,28	43,1±0,33	98,8±0,54	56,8±0,41	107,9±0,45
6.	ПМКCu ²⁺ : Ag 8:2	1,9±0,03	3,4±0,05	16,7±0,10	43,1±0,27	33,3±0,28	80,7±0,30	47,1±0,18	99,4±0,37	58,4±0,47	108,4±0,42
7.	Хитозан исх. 0,5%	1,9±0,04	3,8±0,06	16,9±0,13	46,4±0,41	33,7±0,30	82,3±0,28	47,4±0,26	101,7±0,56	59,1±0,38	109,4±0,39
8.	НаноХЗ 0,5% (90 кда)	2,4±0,06	4,6±0,07	17,2±0,14	48,7±0,23	35,8±0,25	84,6±0,31	48,9±0,34	102,9±0,41	60,3±0,47	111,3±0,52
9.	АскорбатХЗ	1,8±0,06	3,3±0,03	15,0±0,08	43,0±0,28	32,4±0,29	78,7±0,33	42,1±0,32	97,8±0,42	55,7±0,37	106,3±0,38
10	НаноАХЗ 0,5% (4:1)	1,4±0,04	3,4±0,04	15,7±0,17	42,9±0,42	32,7±0,31	79,4±0,25	44,8±0,27	98,0±0,45	56,4±0,35	106,9±0,43

Оралиқ кузатувларда турли хил нанопрепаратлар таъсири кўрсатилган. Ўтказилган тадқиқотлар маълумотлари шуни тасдиқлайдики, полимерлар билан таққосланган, нанополимер препаратлари ниҳолларнинг ер устки ва остки қисмлари узунлигига самарали таъсир қилган. Натижада энг юқори биологик фаолликка НаноАХЗ, ПМКCu²⁺:Ag 7:3, ПМКCu²⁺:Ag 8:2 нанопрепаратлари эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотларда нанопрепаратларнинг уруғ ва ўсимликларнинг микро ва макроэлементлар миқдорига таъсири ўрганилган (1-2-расм). Ғўза уруғларига турли хил нанопрепаратлар билан ишлов берилганда, таркибида миснинг энг юқори концентрацияси НаноХЗ 5,8203 мг/кг ва НаноАХЗ – 5,2335 мг/кг препаратларидан фойдаланилганда аниқланган, бу назорат вариантыдан 1,4 ва 1,2 баробар юқоридир.




Расм-1. Уруғларига нанопрепаратлар билан ишлов берилган бир ойлик ғўза ўсимликларида Cu ва Fe микроэлементларининг мавжудлиги

ПМКCu²⁺:Ag 7:3, ПМКCu²⁺:Ag 8:2 ва АХЗ препаратлари билан ишлов берилган уруғларда мис концентрацияси назоратдан паст бўлган. Шунга такидлаш жоизки, фитотрон шароитида етиштирилган бир ойлик ғўза ўсимликларида мис концентрацияси уруғлар таркибидагига нисбатан сезиларли даражада пасайган. Энг кўп пасайиш уруғларига ПМКCu²⁺:Ag 7:3, ПМКCu²⁺:Ag 8:2 билан ишлов берилган бир ойлик ўсимликларда, энг ками “НаноАХЗ” да бўлди. Маълумотлар шуни кўрсатадики, ўсимликлар таркибида кераклигича мис концентрациясини сақлаб турган.

Уруғларига “АХЗ” ва “НаноХЗ” препаратлари билан ишлов берилган бир ойлик ғўза ўсимликларида темир концентрацияси сезиларли равишда 3,9 баробарга кўпайган, бошқа препаратларда эса бу кўрсаткич 3,0 баробарга ортган. Бир ойлик ўсимликларда калий ва натрий макроэлементлари концентрацияси уруғлар таркибидагига нисбатан сезиларли даражада камайган, бу эса ушбу макроэлементларни ўсимликларнинг шаклланишига

сарфланишидан далолат беради. Бир ойлик ғўза ўсимликлари таркибида калий макроэлементлари концентрацияси уруғлар таркибидагига нисбатан деярли 20-27 баробар камайган. Кўринишидан, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун натрий турроқдан ўзлаштирилган.



Расм-2 Уруғларига нанопрепаратлар билан ишлов берилган бир ойлик ғўза ўсимликларида К, Na ва Са макроэлементларининг мавжудлиги

Буғдой уруғлари таркибидаги мис концентрацияси уруғларига ПМКCu²⁺: Ag 8:2 ва ПМКCu²⁺: Ag 7:3 препаратлари билан ишлов берилганда энг юқори натижани кўрсатган, кўрсаткичлар назоратдан мос равишда 15,3% ва 11,8% га юқори бўлган.

Бир ойлик ўсимликларда “НаноАХЗ” препаратидан ташқари назорат вариантида ҳам, турли хил нанопрепаратлар билан ишлов берилганда ҳам мис концентрациясининг камайиши кузатилган. Уруғларга ушбу препарат билан ишлов берилган ўсимликларда мис концентрацияси 20% ошган.

Нанополимер препаратларнинг ўсимликлар ривожланишининг турли хил даврларида ферментлар фаоллигига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, буғдойнинг 7 кунлик ниҳолларида пероксидаза ферментининг фаоллиги “НаноХЗ” 0,5% билан ишлов берилган вариантда ўзини кўрсатиб, бунда унинг фаоллиги 12,66 ед/мг оқсил ни ташкил қилган, бу ишлов берилмаган (5,18 ед/мг) ва “Далброн” (5,52 ед/мг) ва “УЗХИТАН” (6,39 ед/мг оқсил) билан ишлов берилган вариантларнинг фермент фаоллигидан 2 марта ва ундан ортиқ бўлган. Назорат ва андозаларга нисбатан юқори пероксидаза фаоллиги “НаноАХЗ” ва “Сукцинат”- 0,5% препаратлари билан ишлов берилган вариантларда кузатилиб, уларда фаоллик кўрсаткичлар оқсили мос равишда 10,5 ед/мг оқсил ва 9,76 ед/мг оқсилни ташкил этди.

Полифенолоксидаза ферментининг энг юқори фаоллиги уруғларига “НаноХЗ”, “НаноАХЗ” препаратлари билан ишлов берилган ниҳолларда 6,77

ед/мг кузатилган, полифенолоксидаза фаоллиги уруғларига УЗХИТАН, ПМКCu²⁺:Ag 8:2 ва ПМКCu²⁺:Ag 7:3 билан ишлов берилган ниҳолларда назорат ва андозалардан ҳам паст фаолликка эга бўлган.

Диссертациянинг «**Нанополимер препаратлар ва уларнинг қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида ғўза, буғдой ва соя экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига полимер препаратларнинг таъсир этиш жараёнлари ўрганилган. Ғўзанинг “Андижон-36” ва “АН-Боёут-2” навлари ўсимликларнинг қуруқ вазн тўплашига нанополимер препаратларнинг таъсири кўрсатилган. Шундай қилиб, ялпи пишиш даврида ўсимликларнинг қуруқ вазни иккита навда ҳам уруғларига нанопрепаратлар билан ишлов берилганда назоратдан юқори бўлган ва “Андижон-36” навида 5,7-15,8 г, “АН-Боёут-2” навида 14,7-26,7 г.ни ташкил этган.

Бундай қонуният ўсимликларнинг ҳар хил ривожланиш фазаларида кузатилган, қайсики ўсимликларнинг қуруқ вазини аниқлаш учун танлаб олинган вақтда ПМКCu²⁺:Ag 7:3, ПМКCu²⁺:Ag 8:2 препаратлари билан уруғлари капсулаланган “Андижон-36” нави ўсимликлари 25,4-25,8 г. га, “АН-Боёут-2” нави бўйича эса 25,4-25,7 г. га назоратдан юқори бўлган.

Вегетация даврининг охирида Андижон-36 навининг назорат варианты ўсимликлари 40,4 г., “АН-Боёут-2” нави эса 40,3 г. пахта-хом ашёси тўплаган.

Фермер хўжаликлари ва институтнинг тажриба хўжалигида олиб борилган тажрибалардан олинган натижалар шуни кўрсатдики, чигитларни нанополимер препаратлар билан капсулалаш ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг ошишига имконият яратди.

ПМКCu²⁺:Ag 7:3, ПМКCu²⁺:Ag 8:2 препаратларининг ўсимликларнинг қуруқ массасига ижобий таъсир этиши аниқланган, ушбу препаратлар ғўза уруғларини капсулалаш технологиясида қўллаш учун тавсия этилади.


Тадқиқотлар жараёнида нанополимер препаратларни буғдойнинг ҳосилдорлик компонентлари ва доннинг ун сифатига таъсири ўрганилган. Келиб чиқиши турли хил бўлган юмшоқ буғдой навлари уруғларига нанопрепаратлар билан ишлов бериш вегетация даврининг униб чиқиш, ўсиш ва ривожланиш босқичларига ижобий таъсир кўрсатган. “Краснодар-99” навининг уруғларига “НаноАХЗ”, “ПМКCu²⁺:Ag” 7:3 препаратлари билан ишлов берилганда ўсимликларнинг униб чиқиши ва бошоқлаши 4 кунга эрта бўлган.

Бундай ҳолат бошқа навларда ҳам кузатилган. Уруғларига “Купрумхит” ва “УЗХИТАН” (андоза) препаратлари билан ишлов берилганда, ўсимликларнинг униб чиқиши ва бошоқлашига нисбатан кучсиз таъсир этиши кузатилган, аммо назорат вариантыга нисбатан уларда ҳам ўсимликларнинг униб чиқиши ва бошоқлаши тезлашгани намоён бўлган.

Нанопрепаратларни қўллаш уруғларига ишлов берилмаганга (назорат) нисбатан ҳосилдорликнинг ошишига таъсир қилган. “Краснодар-99” нави уруғларига “ПМКCu²⁺:Ag” 8:2 препарати билан ишлов берилганда ҳосилдорлик компонентларини ошиши кузатилган. Ушбу вариантда бошоқ

узунлиги ўртача $11,45 \pm 0,25$ см, битта бошоқдаги бошоқчалар сони $22,2 \pm 0,46$ дона, битта бошоқнинг вазни $4,28 \pm 0,25$ г., битта бошоқдаги донлар сони $63,3 \pm 2,83$ дона ва битта бошоқдаги доннинг вазни $2,74 \pm 0,21$ г. ташкил этган.

Келиб чиқиши маҳаллий бўлган Пахлавон навининг ҳосилдорлик компонентларига нанопрепаратларнинг таъсири ўзгача бўлган. “УЗХИТАН” (андоза) препарати билан ишлов берилган уруғларда ҳосилдорлик кўрсаткичлари назорат варианты билан таққослаганда нисбатан паст бўлган. “ПМКCu²⁺:Ag” 8:2 препарати билан ишлов берилганда, бошоқдаги донлар сонидан ташқари барча кўрсаткичлар паст бўлганлиги аниқланган. Битта бошоқдаги донлар сони мос равишда $38,2 \pm 1,99$ ва $36,3 \pm 1,53$ дона бўлиб, назорат вариантдан ($34,24 \pm 2,15$) 2,06-3,96 донага юқори бўлган.



Расм-3. Нанопрепаратлар билан ишлов берилган уруғларда турли хил юмшоқ буғдой навларининг дон ҳосилдорлиги

Эъзоз навининг ҳосилдорлик компонентларига уруғлари НаноХЗ ва НаноАХЗ препаратлари билан ишлов берилганда ижобий таъсир этиши кузатилган. Эъзоз нави СИММИТ халқаро коллекциясидан танлаб олинган бўлиб, юқори нонбоплик сифатига эга ярим баҳорги буғдой ҳисобланади ва Грекум тур хилига мансуб. Ушбу навнинг уруғларига юқоридаги препаратлар билан ишлов берилганда барча ҳосилдорлик компонентлари назоратга нисбатан юқори бўлган. Бунда мос равишда битта бошоқ вазни $4,04 \pm 0,22$ ва $3,87 \pm 0,22$ г. ($3,27 \pm 0,21$ г. назоратда), бошоқдаги донлар сони $50,3 \pm 2,51$, $46,2 \pm 2,40$ дона ($43,75 \pm 2,73$ дона), битта бошоқдаги донлар вазни $2,87 \pm 0,17$ ва $2,47 \pm 0,13$ г., ($2,3 \pm 0,18$ г.) бўлган.

Нанопрепаратларнинг юмшоқ буғдойнинг турли хил навларининг умумий ҳосилдорлигига таъсири 3-расмда келтирилган.

Нанопрепаратлар орасида доннинг умумий ҳосилдорлиги бўйича энг самаралиси “Нанохитозан” препарати бўлди. Ушбу препарат билан ишлов берилган барча навлар бўйича ўртача ҳосилдорлик 445 г/м^2 ни ташкил этди, бу эса назорат вариантыдан 54 г/м^2 га юқоридир. Навлар орасида энг ҳосилдори 564 г/м^2 Эъзоз нави бўлди, бу эса назорат вариантыга нисбатан фарқи 139 г/м^2 ёки 25% га юқори.

$\text{ПМКCu}^{2+}:\text{Ag } 8:2$ ва УЗХИТАН препаратлари дон ҳосилдорлигига таъсири бўйича юқори кўрсаткичларни намоён этди, бу 1 м^2 майдонда умумий дон ҳосилдорлиги назоратдан юқори бўлган. Ўрганилаётган навлар бўйича Наноаскорбатхитозан, $\text{ПМКCu}^{2+}:\text{Ag } 7:3$ ва Купрумхит препаратларининг ўртача дон ҳосилдорлиги назорат вариантыга қараганда паст бўлган.

Нанопрепаратларнинг доннинг нонбоплик сифатига таъсири ўрганилган. Маълумки, доннинг нонбоплик сифатини белгиловчи асосий хусусиятлари таркибидаги хом клейковина ва КДИ (клейковина диформацияси индекси) ҳисобланади. Краснодар-99 нави донининг нонбоплик сифатини яхшилашда $\text{ПМКCu}^{2+}:\text{Ag } 8:2$ ва Купрумхит препаратлари, Пахлавон навида НаноХЗ ва Эъзоз навида эса УЗХИТАН ва Купрумхитлардан ташқари барча препаратлар энг мақбули бўлган.


ПСУЕАИТИ тажриба даласида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг компонентларига нанопрепаратларнинг таъсири ҳамда Сукцинат ва Купрумхит препаратларининг баргдан озиклантирилиши ўрганилган. Ҳосилдорликнинг муҳим компонентларидан кўсак вазни ҳисобланади. Андижон-36 нави Сукцинат билан баргдан озиклантирилганда кўсак вазни уруғлари $\text{ПМКCu}^{2+}:\text{Ag } 7:3$, $\text{ПМКCu}^{2+}:\text{Ag } 8:2$ ва НаноХЗ нанопрепаратлари билан ишлов берилган ўсимликларда назоратдан мос равишда $0,19-0,13-0,15 \text{ г. га}$, битта кўсакдаги чигит сони $1,9-2,0-1,8$ донага, 1000 дона чигит вазни $5,9-6,5-5,2 \text{ г. га}$ ортган. Шунга ўхшаш кўрсаткичлар С-6524 ва Ан-Боёвут-2 навларида ҳам кузатилган.

Тўртинчи бобнинг бўлимларидан бирида нанополимер препаратларининг сояни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва фузариозга чалинишига таъсири кўрсатилган. Тадқиқотлар кўрсатишича, нанополимер препаратлар стимуляторлик ва фунгицидлик хусусиятларига эга бўлиб, НаноАХЗ препарати билан ишлов берилган уруғларда илдизларнинг фузариоз вилт билан касалланиши аниқланмаган, баргларда бироз зарарланиш кузатилган, ҳосилдорлик эса андоза Гаучога нисбатан $6,1 \text{ ц/га}$ га юқори бўлган. Ҳосилдорлик нанопрепаратлар билан ишлов берилган уруғларда Гаучо ва УЗХИТАН андозалардан $3,0-1,5 \text{ ц/га}$ га ошган. Уруғлари НаноАХЗ билан ишлов берилган ўсимликларда ҳосил фоиз нисбатида андоза Гаучодан деярли 21% га, андоза УЗХИТАНдан эса 15% га юқори бўлган. Қўлланилган нанопрепаратлар ривожланиш босқичларини ўтишида стимуляторлик таъсирга эга, шу сабабли уларни соя уруғларини капсулалашда фойдаланишга тавсия этиш мумкин.

Илмий-тадқиқотларни йўлга қўйиш мақсадида, Волгоград ДАУда нанополимер препаратларининг соя уруғларини фузариоз билан зарарланишига таъсирини ўрганиш бўйича тажриба қўйилган.

Синалаётган нанополимер препаратлардан энг юқори биологик самарадорлик НаноАХЗ (95,19%) препаратида кузатилган (4-расм). Бошқа препаратлар самарадорлиги ушбу препаратникидан бироз паст бўлган бўлсада, бироқ эталон (Максим) дан сезиларли даражада юқори бўлган. Биологик самарадорлик НаноХЗ да 88,72%, АХЗда 90,59%, ПМКCu²⁺:Ag 7:3 да 89,05, ПМКCu²⁺:Ag 8:2 -89,82% ни ташкил этди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, хитозанга асосланган нанополимер комплекс соя уруғларини илдиз чиришига қарши ҳимоя қилишда юқори биологик самарадорликка эга.



4-расм. Хитозан асосидаги нанополимер препаратларнинг назорат ва андозага нисбатан соя уруғларини фузариоздан ҳимоя қилишдаги биологик самарадорлиги.

Тажрибаларда энг юқори натижалар НаноАХЗ препаратида қайд этилди. Ушбу препарат фузариоз тарқалишини 95,19% га камайтирган. Уруғларга ишлов беришда қўлланилган ПМК Cu²⁺:Ag, НаноХЗ ва АХЗ препаратлари соя уруғларини яхши униб чиқишини тامينлайди. Ушбу препаратлардан уруғларга экишдан олдин ишлов беришда капсулалаш усулидан фойдаланиш учун тавсия этилади.

Диссертациянинг “ПСУЕАИТИ тажриба хўжалиги, Андижон ва Жиззах вилоятлари фермер хўжаликларида нанопрепаратларнинг кишлок хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсири бўйича тадқиқотлар” деб номланган бешинчи бобида ПСУЕАИТИ тажриба хўжалигида нанополимер препаратларини Андижон-36, АН-Боёвут-2 ва С-6524 ғўза навлари уруғларининг экиш сифати, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва

ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалардан олинган натижалар келтирилган.

Андижон-36 ғўза нави ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши бўйича энг юқори кўрсаткичлар уруғларига ПМКCu²⁺:Ag 8: 2, ПМКCu²⁺:Ag 7: 3 ва НаноАХЗ препаратлари билан ишлов берилган вариантларда кузатилиб, 1 сентябр ҳолатига назоратдан ўсимлик бўйи бўйича мос равишда 7,4, 8,0, 7,7 см га, симподиал шохчалар сони бўйича 1,5, 1,2, 0,6 донага, кўсақлар сони бўйича 2,4, 1,8, 2,5 донага юқори кўрсаткичларга эга бўлган.

